

Қ А Р О Р

(мажбурий даволашга юбориш ҳақида)

2024 йил февраль ойининг 2 куни, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди очик суд мажлисида, ўз биносида раислик қилувчи судья Б.Юсуповнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан Олмалиқ шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ф.Нажмиддинов, Олмалиқ шаҳар ИИБ профилактика инспектори С.Яркулов, фуқаро А.Серягин ҳамда ҳимоячи - адвокат А.Исақжановнинг иштирокида,

Серягин Алексей Борисович (Seryagin Aleksey Borisovich) (AA 7103033) 1974 йил 21 июль куни Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида туғилган, миллати рус, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, “Гултепа” МФЙ, Боғишамол кўчаси 24-уйда яшовчига

нисбатан Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ИИБ профилактика инспектори томонидан тўпланган наркологик касаллик (сурункали алкоголизм)дан мажбурий даволашга юбориш ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Олмалиқ шаҳар ИИБ томонидан судга тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, фуқаро А.Серягин мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилаётгани, маст бўлиб ўз оиласига ва қўшниларига тинчлик бермасдан, сабабсиз жанжаллашаётгани, наркология диспансерининг хулосасига кўра, спиртли ичимликка мубтало бўлгани ва мажбурий даволашга муҳтожлигини кўрсатиб, уни наркологик касаллик (сурункали алкоголизм)дан мажбурий даволашга юборишни сўраган.

Судда А.Серягин, ҳақиқатдан ҳам спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ружу қўйгани, лекин охириги 2 ой ичида умуман спиртли ичимликлар ичмаётгани, даволанишга юборилишига қарши эмаслигини маълум қилиб, илтимосномани қаноатлантиришни сўради.

Тошкент вилояти наркология диспансерининг 2024 йил 26 январь кунги 97-сонли далолатномасига кўра, А.Серягин сурункали алкоголизм касаллигига чалинган бўлиб, касалликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтожлиги аниқланган.

Судда ИИБ профилактика инспектори С.Яркулов хизмат олиб борувчи ҳудудида истиқомад қилувчи А.Серягин бир неча маротаба уйига келиб бақир-чақир қилаётганлигидан шикоят бўлганлиги, унга кўп маротаба маъмурий баённома расмийлаштирилганлиги, аммо ўзига тўғри хулоса чиқармаётганлиги, бундан ташқари унинг онаси Серягина



Елена Александровна ҳам А.Серягинни алкоғолдан мажбурий даволанишда ёрдам беришликни сўраб ариза билан мурожаат этаётганлигини маълум қилган.

Суд, прокурор фикрини эшитиб, А.Серягиннинг кўрсатувларини тинглаб, фуқаро А.Серягинни спиртли ичимлик истеъмол қилишга берилиб кетганлигини, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда ҳуқуқбузарликлар ва ижтимоий хавфли қилмишлар содир этиши мумкинлигини, мутахассисларни хулосасига асосан мажбурий даволашга муҳтожлигини инobatга олиб, уни наркологик касаллик (сурункали алкоғолизм)дан мажбурий даволашга юборишликни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сонли қонунига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Серягин Алексей Борисович (Seryagin Aleksey Borisovich) Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси қошидаги ихтисослаштирилган наркология марказига алкоғолизмдан мажбурий даволашга юборилсин.

Ушбу қарор ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киритилсин ва дарҳол ижро этилсин.

Мазкур қарорни ижро қилиш Олмалик шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарор устидан ушбу қарор ўзига нисбатан чиқарилган шахс ёки унинг адвокати, қонуний вакили томонидан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши ёхуд прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи:

/имзо/

Б.Юсупов

қарор нусхаси
аслига тўғри:

